7. Менинг фамилям Каримов.
8. У яхши яшайптими / Унинг аҳволи яхшими/?
9. Кечирасиз, Сизнинг исмингиз нима?
10. Йўқ, у уйда эмас.

Übung 2 Қавс ичида берилган феълларни керакли замон ва шахсда қўйиш ва уларни таржима қилинг:

1. Wie ... Sie? (heißen)
2. Sie ... Lehrerin. (sein)
3. Er ... Student. (sein)
4. Samarkand ... schön. (sein)
5. Sind ... aus Chiwa (Pronomen)
6. Meine Tante ... in Buchara. (sein)
7. Wir ... hier. (sein)
8. ... machen Sie in Taschkent? (Fragewort)
9. ... spreche ein wenig deutsch. (Pronomen)
10. Gehen ... nach Hause? (Pronomen)

Übung 3 Сухбатни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

Hilola: Guten Tag, Gusal!

Gusal: Guten Tag, Hilola! Wie geht es dir?

Hilola: Danke, mir geht es gut. Und dir?

Gusal: Mir auch. Gehst du in die Uni?

Hilola: Ja, heute haben wir Deutsch, Deutsch gefällt mir sehr. Und was studierst du?

Gusal: Ich studiere auch Deutsch, mein Mann arbeitet in der Firma "Siemens", bald fahren wir nach Deutschland. Und wo arbeitet jetzt dein Mann?

Hilola: Mein Mann arbeitet auch in einer Firma, er ist

Jurist, er spricht deutsch und englisch.
Wann fahren Sie nach Deutschland?
Gusal: Ganz genau weiß ich noch nicht, aber sicher in diesem Jahr. Tschüs, Hilola!
Hilola: Alles Gute, Tschüs!

LEKTION 2

MEIN LEBENS LAUF—МЕНИНГ ТАРЖИМАИ ХОЛИМ

Dialog I, II

Fragewörter: wo?, woher?, wohin?, wie?, wozu?
Сўроқ сўзлар: қаерда?, қаердан?, қаерга?, қандай?,
нима учун?

Präsens -- феълларни ҳозирги замонда тушлаш

Боғловчилар: und - ва, aber - аммо / лекин / бироқ

Artikel und Geschlecht --Артикль ва род

Wie alt sind Sie? -- Сиз неча ёшдасиз?

“Durch Fehler lernt man” — «Хато қилиб ўрганадилар»

Übungen 1,2,3,4


DIALOGI I

Im Studentenwohnheim — Талабалар ётоқхонасида

Malika: Guten Morgen!
Салом!

Temur: Guten Morgen!
Салом!

Malika: Entschuldigen Sie bitte.
Wohnen Sie in diesem
Studentenwohnheim?
Кечирасиз. Сиз шу талаба-
лар ётоқхонасида яшайсизми?



Temur: Ja, ich wohne hier im zweiten Stock, im Zimmer 10.
Bitte schön, kommen Sie zu uns! Mein Name ist
Umarow, mein Vorname-Temur, und wie heißen Sie?

Ҳа, мен шу ерда, иккинчи қаватда, ўнинчи хонада
яшайман. Марҳамат, бизникига кириш! Менинг фа-
милям Умаров, исмим-Темур. Сизнинг исмингизчи?

Malika: Ich heiße Malika Tursunowa, hier wohnt meine
Schwester Nargisa. Aber ich weiß nicht in welchem Zimmer.
Менинг исм —шарифим Малика Турсунова, бу ерда
менинг опам яшайди. Лекин мен қайси хонада экан
лигини билмайман.

Temur: Ich kenne Ihre Schwester, ist sie Studentin des
Taschkenter Instituts für Irrigationsingenieure und
Mechanisierung der Landwirtschaft?

Мен Сизнинг опангизни танийман, у Тошкент ир-
ригация ва механизациялаштириш институтининг
талабасими?

Malika: Ja, sie steht im ersten Studienjahr der hydromeliorativen
Arbeiten, sie interessiert sich für die Landwirtschaft. Und
Sie, wo studieren Sie?

Ҳа, у биринчи курсда, гидромелиорация ишлари
факультетида ўқийди, у қишлоқ хўжалигига
қизиқади. Сизчи? Сиз қаерда ўқийсиз?

Temur: In diesem Studentenwohnheim wohnen die Studenten
aus vielen technischen Hochschulen, z.B. ich bin Student
der Technischen Universität namens Beruni. Ich stehe
im ersten Studienjahr. Woher sind Sie?

Бу ётоқхонада кўпгина техник олий ўқув юртлири-
нинг талабалари яшайдилар. Мен эса Беруний номли
техника университетининг талабасиман, мен бирин-
чи курсдаман. Сиз қаердансиз?

Malika: Meine Schwester und ich, wir sind aus dem Dorf
«Bacht», dort wohnen unsere Eltern und Brüder.

Менинг опам ва мен «Бахт» қишлоғиданмиз. У ерда
бизнинг ота-онамиз ва иккита ака-укамиз яшайдилар.

Temur: Wo befindet sich das Dorf «Bacht»?

«Бахт» қишлоғи қаерда жойлашган?

Malika: Unser Dorf liegt nicht weit von Samarkand.

Бизнинг қишлоғимиз Самарқандга яқинроқ жой-
лашган.

Temur: Wozu kommen Sie nach Taschkent? In Samarkand sind viele Hochschulen.

Сиз Тошкентга нима учун келдингиз? Самарқандда кўпгина олий ўқув юртлири бор-ку.

Malika: Ja, in Samarkand sind viele Hochschulen, aber ich will hier am chemisch-technologischen Institut studieren und meine Schwester lebt jetzt in Taschkent.

Ҳа, Самарқандда кўпгина олий ўқув юртлири бор, аммо мен бу ерда кимё-технология институтида ўқишни хоҳлайман ва менинг опам ҳозир Тошкентда яшайди.

Temur: Und wie alt ist Ihre Schwester?

Сизнинг опангиз неча ёшида?

Malika: Meine Schwester ist 20 Jahre alt und ich bin 18 Jahre alt. Und wie alt sind Sie?

Менинг опам 20 ёшда, мен 18 ёшдаман. Сиз неча ёшдасиз?

Temur: Ich bin 19 Jahre alt.

Мен 19 ёшдаман.

Malika: Wir sind fast alle Altersgenossen. Wo sind Sie geboren?

Биз ҳаммамиз тенглошлар эканмиз. Сиз қаерда туғилгансиз?

Temur: Ich bin in Choresm geboren, meine Eltern und Großeltern wohnen dort schon lange.

Unsere Familie ist groß. Und wie groß ist Ihre Familie? Мен Хоразмда туғилганман, менинг ота-онам ва бувибувам у ерда анчадан бери яшайдилар. Бизнинг оиламиз катта. Сизнинг оилангиз ҳам каттами?

Malika: Unsere Familie ist nicht groß: unser Vater, unsere Mutter, meine Schwester und ich.

Mein Vater ist Lehrer und meine Mutter ist Ärztin. Und wo arbeiten Ihre Eltern, Temur?

Бизнинг оиламиз ҳам катта: бизнинг отамиз, онамиз, опам ва мен. Менинг отам — ўқитувчи, онам — врач. Темур, Сизнинг ота-онангиз қаерда ишлайдилар?

Temur: Mein Vater ist Agronom, meine Mutter ist Krankenschwester, meine Brüder arbeiten in einer Firma, sie sind verheiratet und haben viele Kinder. Ist Ihre Schwester verheiratet?

Менинг отам — агроном, онам — ҳамшира, акаларим фирмада ишлайдилар. Улар уйланганлар ва уларнинг кўп болалари бор. Сизнинг опангиз турмуш қурганми?

Malika: Nein, sie ist ledig, sie will weiter an der Magistratur studieren. Sie hat in Zukunft große Pläne.

Йўқ, у турмуш қурмаган, у ўқишни магистратурада давом эттирмоқчи. Унинг келажакда режалари катта.

Temur: Entschuldigen Sie bitte, sind Sie Tadshikin?

Кечирасиз, Сиз тожикмисиз?

Malika: O, nein, wir sind Usbekinnen, aber in Tadshikistan lebt unser Onkel Mughtar.

Йўқ, биз ўзбеклармиз, лекин Тожикстонда бизнинг Мухтор амакимиз яшайди.

Temur: Jetzt habe ich eine gute Vorstellung von Ihrer Familie, danke schön!

Ҳозир мен Сизнинг оилангиз тўғрисида яхши маълумот олдим, раҳмат.

Malika: Gleichfalls, das Gespräch ist sehr interessant für mich, und für Sie?

Сизга ҳам, суҳбат мен учун жуда қизиқарли бўлди, Сиз учунчи?

Temur: Natürlich, aber wohin gehen Sie jetzt?

Албатта, аммо Сиз ҳозир қаерга борасиз?

Malika: Zu meiner Schwester, nun gut, Tschüs!

Опамнинг олдига, хўп яхши, хайр!

Temur: Tschüs Malika, kommen Sie öfter!

Хайр Малика, тез-тез келиб туринг!

Präsens нинг ясалиши:

Феълнинг ўзаги + шахс-сон қўшимчалари

Ҳамма феъллар (ҳеч қачон ўзагини ўзгартирмайдиган) кучсиз, (тусланганда ўзагидаги унлиси ўзгарадиган, 100 тача) кучли ва нотўғри тусланадиган (10 тача) феълларга бўлинали.

Кучсиз феълларнинг **Präsens** да тусланиши

Singular — бирлик	Plural — кўплик
I. ich (мен) lern-e II. du (сен) lern-st III. er,es,sie (у) lern-t	I. wir (биз) lern-en II. ihr (сизлар) lern-t III. sie (улар) lern-en Sie (Сиз/хурмат маъноси -да) lern-en

Кучли феълларнинг **Präsens** да тусланиши

Кучли феълларда иккинчи ва учинчи шахс бирликда ўзагидаги «-e-» чўзиқ «-ie-» ёки қисқа «-i-» га, «-a-» эса «-ä-» га ўзгаради.

Singular	Plural
I. ich spreche, fahre II. du sprichst, fährst III. er,es,sie spricht, fährt	I. wir sprechen, fahren II. ihr sprecht, fahrt III. sie sprechen, fahren Sie sprechen, fahren

Қолган феъллар кучсиз феъллар каби тусланади.

Нотўғри феълларнинг **Präsens** да тусланиши

sein—бор бўлмоқ, haben—эга бўлмоқ, werden—бўлмоқ

Singular	Plural
I. ich bin, habe, werde II. du bist, hast, wirst III. er,es,sie ist, hat, wird	I. wir sind, haben, werden II. ihr seid, habt, werdet III. sie sind, haben, werden Sie sind, haben, werden

Марҳамат, суҳбатни бир неча марта диққат билан ўқинг. Унда янги сўзлар ва иборалар бор. Ўтган дарсдан ҳам баъзи бир сўзлар бор. Ўзингиз ҳақингизда суҳбат тузишга уриниб кўринг. Қўлингиздан келадими?

Феълнинг гапдаги ўрни

Сўроқ гап тузиш учун гапнинг кесимини биринчи ўринга қўйиш, ёки қуйидаги сўроқ сўзларни (woher-қардан, wohin-қарга, wo-қарда, wie-қандай, wozu-нима учун) ишлатиш керак. z.B. =Масалан

1 2
Woher sind Sie? — Сиз
қардансиз?

1 2
Wohin fährt er? — У
қарга кетяпти?

1 2
Wo wohnt sie? — У
қарда яшайди?

1 2
Wie alt ist deine Schwester?
— Сенинг опанг неча ёшда?

1 2
Wozu studieren Sie Deutsch?
— Сиз немис тилини нима учун ўрганияпсиз?



Эсда тутинг!

Немис тилида гапдаги сўз тартиби қатъий талаб қилинади.

Mein Vater **arbeitet** in einem chemischen Werk.

Менинг отам кимё заводида ишлайди.

Wo **arbeitet** dein Vater?

Сенинг отанг қарда ишлайди?

Arbeitet dein Vater in einem chemischen Werk?

Сенинг отанг кимё заводида ишлайдими?

Seine Schwester **studiert** an der Technischen Universität.

Унинг опаси техника университетига ўқийди.

Wohin **gehst** du?

Сен қарга кетяпсан?

Studiert seine Schwester Chemie?

Унинг опаси кимёни ўрганияптими?

Феълларнинг ҳозирги замон (**Präsens**) да тусланиши

Präsens - ўзбек тилидаги ҳозирги замонга тўғри келади.

АРТИКЛЬ

Артиклнинг турлари	бирлик			кўплик
	М./р.	Ср./р.	Ж./р.	—
Аниқ	der	das	die	die
Ноаниқ	ein	ein	eine	—

Агар от тўғрисида биринчи марта гапирилса, ёки бу от тўғрисида ҳеч нарса билмасак — ноаниқ артикль ишлатилади ва агар отни яхши билсак, ёки унинг тўғрисида бирикки марта гапирган бўлсак — аниқ артикль ишлатилади.

Das ist ein Student. Der Student heißt Temur Karimow.
 Бу талаба. Талабанинг исм-шарифи Каримов Темур.
 Das ist eine Studentin. Sie ist 20 Jahre alt.
 Бу талаба. У 20 ёшда.
 Das ist ein Buch. Das Buch ist interessant.
 Бу китоб. Китоб қизиқарлидир.

«sein», «werden» дан сўнг касбни, миллатни, партияни ёки динни билдирадиган сўзлар олдида артикль ишлатилмайди.

Er ist Ingenieur. — У инженер.
 Bist du Usbeke? — Сен ўзбексанми?
 Er ist Moslem. — У мусулмон.
 Du wirst Manager. — Сен менеджер бўласан.

Ғапдаги сўз тартиби

Ғапнинг тури	Кесимнинг ўрни	Эганинг ўрни
a) Дарак ғап.	II	I III
b) Сўроқ сўзли сўроқ ғап	II	I III
c) Сўроқ сўзсиз сўроқ ғап	I	II
d) Буйруқ ғап	I	II(агар бўлса)

a) Ich heiße Hilola Rachmatowa. — Менинг исм-шарифим Ҳилола Раҳматова.
 Deutsch lernt sie gern. — У немис тилини иштиёқ билан ўрганмоқда.

b) Wie ist die Stunde? — Дарс қандай?
 Wer lernt Deutsch? — Ким немис тилини ўрганапти?
 c) Sprechen Sie deutsch? — Немисча гапирасизми?
 Schreiben Sie ins Heft? — Дафтарга ёзасизми?
 d) Nehmen Sie bitte Platz! — Марҳамат, ўтиринг! Аммо, Sprich laut! — Баланд овозда гапир!

DIALOG II

Während der Stunde — Дарсда

Die Lehrerin stellt Fragen und die Studenten beantworten sie. Wir wiederholen heute das Thema «Mein Lebenslauf».

Ўқитувчи савол берапти ва талабалар жавоб бераптилар. Биз бугун «Менинг таржимаи ҳолим» мавзусини такрорлягмиз.

Lehrerin: Wie ist Ihr Name, Temur?
 Темур, Сизнинг фамилянгиш нима?
 Temur: Mein Name ist Nasarow.
 Менинг фамилям Назаров.
 Lehrerin: Wie ist Ihr Vorname?
 Сизнинг исмингиш нима?



Nargisa: Mein Vorname ist Nargisa.
Менинг исмим Наргиза.
Lehrerin: Sind Sie Usbeke, Kadyr?
Сиз ўзбексизми, Қодир?
Kadyr: Ja, ich bin Usbeke.
Ҳа, мен ўзбекман.
Lehrerin: Sind Sie ledig, Dilorom?
Сиз турмуш қурмагансизми, Дилором?
Dilorom: Ja, ich bin ledig.
Ҳа, мен турмуш қурмаганман.
Lehrerin: Sind Sie verheiratet, Aksam?
Сиз уйлангансизми, Аъзам?
Aksam: Nein, ich bin nicht verheiratet, ich bin ledig.
Йўқ, мен уйланмаганман, мен бўйдоқман.
Lehrerin: Wie alt sind Sie, Anwar?
Анвар, Сиз неча ёшдасиз?
Anwar: Ich bin 18 Jahre alt.
Мен 18 ёшдаман.
Lehrerin: Und wie alt sind Sie, Gulnosa?
Гулноза, Сизнинг ёшингиз нечада?
Gulnosa: Ich bin 19 Jahre alt.
Мен 19 ёшдаман.
Lehrerin: Sind Sie Christ, Pulat?
Сиз христиансизми, Пўлат?
Pulat: Nein, ich bin Moslem.
Йўқ, мен мусулмонман.
Lehrerin: Haben Sie Eltern, Malochat?
Малоҳат, Сизнинг ота-онангиз борми?
Malachat: Ja, ich habe Eltern.
Ҳа, менинг ота-онам бор.
Lehrerin: Wo arbeitet Ihr Vater, Karim?
Карим, Сизнинг отангиз қаерда ишлайди?
Karim: Mein Vater arbeitet in einer chemischen Fabrik.
Менинг отам кимё заводида ишлайди.
Lehrerin: Woher sind Sie, Mamlakat?
Мамлакат, Сиз қаердансиз?
Mamlakat: Ich bin aus Buchara.
Мен Бухороданман.
Lehrerin: Danke, sie antworten fast alle gut, nur kleine Fehler gibt es, aber «durch Fehler lernt man».

Раҳмат, сизлар ҳаммангиз тўғри жавоб бердингизлар, фақат озгина ҳатолар бор, лекин ҳато қилиб ўрганадилар.

Machen Sie bitte alle Übungen und erst dann lesen und erzählen Sie das Thema «Mein Lebenslauf».

Ҳамма машқларни бажаринг ва сўнг «Менинг таржимаи ҳолим» текстини ўқинг ва гапириб беринг.

Übung 1 Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг:

1. Ich habe viel zu tun.
2. Er hat ein Buch.
3. Hast du Zeit für mich?
4. Sie hat eine Schwester.
5. Ihr habt ein Privathaus.
6. Sie haben ein neues Auto.
7. Er macht das richtig.
8. Es tut mir leid.
9. Ihr tut, was ihr wollt.
10. Wir haben heute eine Deutschstunde.

Übung 2 Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Wo wohnst du?
2. Wie heißt du?
3. Woher kommen Sie?
4. Hat er viel zu tun?
5. Warum fehlt er heute?
6. Spricht deine Schwester deutsch?
7. Welchen Beruf hat dein Vater?
8. Was machst du hier?
9. Sind Sie fleißig?
10. Wohin geht er heute?

Übung 3 Тушириб қолдирилган сўзларни ўрнига қўйиб, гапларни таржима қилинг:

1. ... du nach Hause?
2. Bleibst ... zu Hause?

3. Sie ... neue Studenten.
4. Ich ... einen Freund in Köln.
5. Er ... ledig.
6. Sie ... 20 Jahre alt.
7. ... du noch da?
8. Ich ... viele Fragen.
9. Wir ... Moslems.
10. Unsere Familie ... groß.

Übung 4 Қуйидаги гапларни немис тилига таржима қилинг:

1. У немис тилини ўргаяпти.
2. Менинг акам «Дўстлик» фирмасида ишлайди.
3. Уларнинг иккита фарзандлари бор.
4. Мен Тошкентда яшайман.
5. Сен нега адабий китобларни кам ўқийсан?
6. Немис тили дарслиги қаерда?
7. Ҳаким Азимов бизнинг гуруҳимизда ўқимайди.
8. Сенинг ёшинг нечада?
9. Инсон ҳатолар қилиб ўрганади.
10. Мен ўзбекман (рус, инглиз, немис, ...).

Viel Spaß bei der Arbeit! — Бу машқларни бажаришингизда омад тилаймиз!

Сиз феълнинг айрим сўроқлари ва тусланиши билан танишдингиз. Энди ўзингиз содда гапларни туза оласиз. Аммо, эсдан чиқарманг!

- Drei Dinge kommen nicht zurück:** 1) das gesprochene Wort- айтилган сўз
 Уч нарса қайтмайди:
 2) das vergangene Leben- ўтган умр
 3) die versäumte Zeit- йўқолган вақт

LEKTION 3

UNSERE FAMILIE — БИЗНИНГ ОИЛА

Dialog

Modalverben im Präsens: sollen, müssen, dürfen, können, wollen, mögen

Модал феълларнинг ҳозирги замонда тусланиши

Verneinungen: nein, nicht, kein

Инкор сўзлар: йўқ, эмас

Darf ich unsere Familie vorstellen? — Мен оилам билан таништиришим мумкинми?

«Ohne Fleiß — kein Preis» — «Меҳнатнинг таги роҳат»

Übungen: 1,2,3

DIALOG

Die deutschen Touristen besuchen die Familie Saidows in Samarkand.

Немис саёҳатчилари Самарқанда Саидовлар оиласини бориб кўришди.

Touristen: Guten Tag Herr Saidow, Ihre Familie kennen wir aus der Zeitschrift «Usbekistan».



Салом жаноб Саидов, сизнинг оилангизни биз «Ўзбекистон» журналидан биламиз.

Saidow: Guten Tag, mich freut, sie in meinem Haus zu grüßen. Bitte, kommen Sie in unsere Wohnung!
Салом, мен сизларни уйимда кўрганимдан жуда хурсандман. Марҳамат, уйимизга кириңг!

Touristen: O, nein, Sie haben einen schönen Hof mit Obstbäumen. Wir können hier bleiben. Aber wer räumt diesen großen Hof auf?
О, йўқ, Сизнинг чиройли ҳовлингиз бор экан. Биз шу ерда қолишимиз мумкин. Аммо, бу ҳовлига ким қарайди?

Saidow: Ja, wir haben einen guten Hof und die Wohnung ist auch gut. Unsere Familie ist groß. Es gibt viele Kinder und Enkelkinder. Sie räumen unseren Hof auf. Darf ich Ihnen meine Familie vorstellen?
Ҳа, бизнинг яхши ҳовлимиз бор, уйимиз ҳам яхши. Бизнинг оиламиз катта. Кўп болалар ва неваралар бор. Улар бизнинг ҳовлимизга қарайдилар. Мен оилам билан таништирсам майлими?

Touristen: Ja, aber entschuldigen Sie bitte, ich muß sagen: unsere Touristengruppe besteht aus drei Personen: das sind Peter, Monika und ich — Leiter der Gruppe — Jürgen. Wir sind alle Studenten der Münchener Universität, wir studieren Journalistik.
Ҳа, аммо кечирасиз, мен айтишим керак: бизнинг саёхатчилар гуруҳимиз 3 кишидан иборат: булар Петер, Моника ва мен - гуруҳ раҳбари - Юрген. Биз ҳаммамиз Мюнхендаги Университетнинг талабаларимиз. Биз журналистикани ўрганишимиз.

Saidow: Sehr angenehm Jürgen, meine Familie besteht aus 9 Personen. Das sind: meine Frau Asisa, der Sohn Akbar, die älteste Tochter Madina, die jüngste Tochter Malachat, die Schwiegertochter Nargisa und die Kinder meines Sohnes; unsere Enkelkinder Temur, Kamol und Sarina.
Жуда яхши Юрген, менинг оилам 9 кишидан

иборат. Булар: менинг хотиним Азиза, ўғлим Акбар, катта қизим Мадина, кичкина қизим Малоҳат, келиним Наргиза ва ўғлимнинг болалари, бизнинг невараларимиз Темур, Камол ва Зарина.

Jürgen: In Deutschland sind die Familien nicht so groß. Man sagt: in Usbekistan sind alle Familien groß. Ist das wirklich, so?

Олмонияда оилалар катта эмас. Айтишларича, Ўзбекистонда ҳамма оилалар катта. Шундайми?

Saidow: Ja, es stimmt. Ich bin Agronom, meine Frau ist Lehrerin.

Ҳа, тўғри. Мен агрономман, менинг хотиним ўқитувчи

Monika: Sie haben so viele Kinder und Enkel. Arbeitet Ihre Frau?

Сизнинг кўп болаларингиз ва невараларингиз бор экан. Хотинингиз ишлайдими?

Saidow: Nein, meine Frau arbeitet schon zwei Jahre nicht, sie ist jetzt Hausfrau. Sie hat zu Hause viel zu tun.
Йўқ, менинг хотиним икки йилдан бери ишламайди, у ҳозир уй бекаси.
Унинг уйда ишлари кўп.

Peter: Besuchen Ihre Enkelkinder den Kindergarten oder sitzen mit der Oma zu Hause?

Невараларингиз болалар боғчасига боришадими ёки уйда бувиси билан ўтиришадими?

Saidow: Zwei Enkel besuchen den Kindergarten, Sarina ist zwei Jahre alt, sie kann den Kindergarten nicht besuchen, sie liebt ihre Oma und will zu Hause bleiben.

Иккита неварам болалар боғчасига боради, Зарина икки ёшда, у болалар боғчасига бормаслиги мумкин, у бувисини севади ва уйда қолишни хоҳлайди.

Monika: Und mir gefällt Ihre Wohnung. Und wer soll Ihre große Wohnung immer in Ordnung bringen?

Менга сизнинг уйингиз маъқул. Сизнинг катта уйингизни ким доим тартибга келтиради?

Saidow: Das sollen unsere Mädchen machen. Wir haben

7 Zimmer, 2 Küchen, ein Badezimmer und 2 Toiletten.

Буни бизнинг қизларимиз бажаришлари керак. Бизнинг 7 та хона, 2 та ошхона, чўмиладиган хона ва 2 та хожатхонамиз бор.

Monika: Machen all das ihre Töchter, das ist schwer? Шунинг ҳаммасини қизларингиз қиладими, бу оғирдир?

Saidow: Ja, aber «Ohne Fleiß — kein Preis». Zwei Enkelkinder sollen im Hof helfen. Ҳа, аммо «Меҳнатнинг таги роҳат». Иккита неварам ҳовлида ёрдам беришлари лозим.

Peter: Und was hat Ihre Frau Asisa früher unterrichtet? Сизнинг хотинингиз Азиза илгари қайси фандан дарс берган?

Saidow: Sie hat in der Mittelschule 20 Jahre Mathe unterrichtet. Sie ist 54 Jahre alt. Sie ist Rentnerin. Peter, sind Sie das erste Mal in Samarkand? Welche Denkmäler möchten Sie besichtigen? У ўрта мактабда 20 йил математикадан дарс берди. У 54 ёшда. У нафақахўр. Петер, сиз Самарқандда биринчи марта бўлишингизми? Қайси ёдгорликларни бориб кўрмоқчи эдингиз?

Peter: Wir möchten Gur-Emir, Schachi-Sinda und den Registanplatz besichtigen, und noch das Observatorium von Ulugbek. Sind diese Denkmäler und das Observatorium weit von Ihrem Haus? Биз Гўр-Амир, Шохи-Зинда ва Регистон майдонини бориб кўрмоқчи эдик ва яна Улугбек расадхонасини. Бу ёдгорликлар ва расадхона Сизнинг уйингиздан узоқдами?

Saidow: Nein, nicht weit, Aber gehen Sie lieber zu Fuß. Unsere Straßen sind grün, das Wetter — warm. Nicht wahr? Йўқ, узоқда эмас. Лекин Сиз яхшиси пиёда боринг. Бугун об-хаво илиқ, Шундай эмасми?

Touristen: Ja, wir können dorthin zu Fuß gehen, wir haben noch eine freie Stunde, aber darf ich unsere anderen Kollegen anrufen? Sie sind im Hotel geblieben, vielleicht wollen sie mit uns Ulugbeks Observatorium

besuchen. Das usbekische Volk gefällt uns sehr, sie sind alle so gastfreundlich! Ҳа, биз у ерга пиёда боришимиз мумкин, бизнинг яна бир соат бўш вақтимиз бор, аммо мен бошқа саёҳатчиларимизга қўнғироқ қилсам майлими? Улар меҳмонхонада қолишган, балки улар биз билан Улугбек расадхонасига боришни хоҳлашар. Ўзбек халқи бизга жуда ёқди, улар ҳаммаси шундай меҳмондўстлар!


Saidow: Sehr angenehm. Die Deutschen gefallen uns auch. Sie sind sehr höflich, arbeitsfähig.

Besuchen Sie unsere Familie noch einmal! Жуда яхши. Немис халқи ҳам бизга ёқди. Улар жуда мулойим, ишбилармонлар. Улар ҳақда Бизнинг оиламизга яна бир бор келинг!

Peter: Aber wir wissen nicht: wann können wir nach Usbekistan wieder kommen. Vielen Dank, wir wissen jetzt, wie usbekische Familien leben. Jetzt schreiben wir über Ihre Familie einen Artikel in die Zeitschrift "Deutschland" und überhaupt über die Einwohner der Stadt Samarkand. Auf Wiedersehen!

Лекин биз Ўзбекистонга яна қачон келишимизни билмаймиз. Катта раҳмат, биз энди ўзбек оилалари қандай яшашларини биламиз. Биз энди Сизнинг оилангиз ҳақида «Олмония» журналига мақола ёзамиз ва айниқса Самарқанд шаҳрининг аҳолиси ҳақида. Кўришгунча хайр!

Saidow: Auf Wiedersehen! Alles Gute! Хайр! Яхши боринг!



Grammatik

Модал феъллар

Ҳамма 6 та модал феъллар ҳозирги замон (Präsens) да I ва 3 шахс бирликда шахс-сон қўшимчасисиз тусланади ва умуман бирликда “sollen” дан ташқари ҳаммасининг ўзагидаги унли ўзгаради.

Infinitiv =/sollen, müssen/, /dürfen, können/, /wollen, mögen/

ноаниқ шакли = /зарур, бўлмоқ/, /мумкин, бўлмоқ/, /хоҳламоқ/

Ich soll	muß	darf	kann	will	mag
Du sollst	mußt	darfst	kannst	willst	magst
Er soll	muß	darf	kann	will	mag
Wir sollen	müssen	dürfen	können	wollen	mögen
Ihr sollt	müßt	dürft	könnt	wollt	mögt
Sie sollen	müssen	dürfen	können	wollen	mögen

{ sollen — ташқаридан буйруқ берилса
{ müssen — ўзингиз ўзингизга буйруқ берсангиз

{ dürfen — руҳсат берилса
{ können — кучингиз етса

{ wollen — Indikativ да
{ mögen — Konjunktiv да (кўпинча “яхши кўрмоқ”)

Агар “mögen” Indikativ да якка-ягона, мустақил феълнинг ноаниқ шаклисиз ишлатилса, у холда у «яхши кўрмоқ» деб таржима қилинади.

1. Wir sollen um 9 Uhr beim Dekan sein. - Биз соат 9 да деканатда бўлишимиз керак.
2. Er muß Deutsch gut beherrschen. — У немис тилини яхши билиши керак.

3. Darf ich kommen? (herein)? — Киришим мумкинми? (Кирсам майлими?)
4. Er kann mit dem Computer arbeiten. — У компьютерда ишлай олади.
5. Die Studenten wollen Fußball spielen. — Талабалар футбол ўйнашни хоҳлайдилар.
6. Die Studenten möchten Fußball spielen. — Талабалар футбол ўйнашни хоҳлаган эдилар.
7. Ich mag den Kaffee! — Мен кофени яхши кўраман.

Ҳамма модал феъллардан сўнг Infinitiv даги мустақил феълнинг олдига “zu” юклагани куйилмайди.

“Nicht” ва “kein” инкор сўзлари

Немис тилида ифодаладиган бир нечта воситалар бор. Улардан энг кўп қўлланиладигани “nicht” ва “kein” инкор сўзларидир.

Одатда “nicht” инкор сўзи иш харакатни инкор қилади ва гапнинг охирида келади.

Лекин “nicht” инкор сўзи гапнинг истаган бир бўлагини инкор этиши мумкин, у холда у ўша инкор этилган сўзнинг олдида келади.

“Kein (keine)” инкор сўзининг қўлланилиши “nicht” инкор сўзининг қўлланилишига қараганда анча чегараланган. У фақат отларни инкор қилади ва инкор қилаётган сўздан олдин туради. “Kein” инкор сўзи бирликда ноаниқ артикль каби, кўпликда эса аниқ артикль каби турланади.

z.B. (Масалан)

1. Dort spricht man nicht laut. — У ерда баланд овозда гапирмайдилар.
2. Wir sind nicht zu zweit. — Биз иккимиз эмас.
3. Das ist nicht sie. — Бу улар эмас.
4. Der Tisch ist nicht schwarz. — Стол қора эмас.
5. Die Studenten übersetzen nicht, sie lesen einen Text. — Талабалар матнни таржима қилишмаяпти, улар (уни) ўқишяпти.

1. Das ist kein Haus. — Бу уй эмас.
2. Es ist keine Tafel. — Бу тахта эмас.
3. Es ist kein Student. — Бу талаба эмас.

Марҳамат, гапни тузганда бу қоидаларни эсингизда тутинг. Улар сизга қуйидаги машқларни бажаришда ёрдам берадилар.

Übung 1 Керакли инкор сўзларни қўйинг:

1. Seid Sie aus Rußland? — Nein, wir sind ... aus Rußland.
2. Heißen Sie Frau Aminowa? — Nein, es ist ... Frau Aminowa.
3. Es ist ... Student.
4. Die Studenten der Gruppe 9/ 99 sitzen ... dort.
5. Diese Gruppe besteht ... aus 8 Studenten.
6. Ist das deine Schwester? — Nein, das ist ... meine Schwester.
7. Ist Ihre Familie klein? — Nein, unsere Familie ist ... klein.
8. Verbringen Sie den ganzen Tag zu Hause? — Nein, ich verbringe ... den ganzen Tag zu Hause.
9. Gehen sie morgen ins Museum? — Nein, sie gehen morgen ins Museum ...
10. Hält Herr Achmerow Vorlesungen in Mathematik? — Nein, Herr Achmerow hält die Vorlesungen in Mathematik ...

Übung 2 Саволларга инкор жавоб беринг:

1. Übersetzen Sie diesen Text?
2. Wiederholt er heute neue Vokabeln?
3. Gehen wir heute ins Kino?
4. Haben Sie am Montag Seminare?
5. Leitet das Matheseminar Herr Saidow?

Übung 3 Керакли модал феълларни қўйинг:

1. ... ich unsere Familie vorstellen? (dürfen)
2. Er ... gut deutsch sprechen. (können)
3. Meine Schwester ... Deutsch lernen. (wollen)
4. Mein Bruder ... Englisch an der Uni studieren. (mögen)
5. Alle Kinder ... im Hof helfen. (sollen, müssen)
6. Ich ... Matheprüfung heute ablegen. (sollen, müssen)
7. Er ... keinen schwarzen Kaffee, er trinkt immer den grünen Tee. (mögen)
8. Im Labor ... die Studenten ruhig arbeiten. (sollen)
9. In 10 Tagen ... man Deutsch nicht erlernen. (können)
10. Die Mutter und der Vater ... ihre Kinder erziehen. (sollen)

LEKTION 4

TELEFONGESPRÄCH — ТЕЛЕФОНДА СУҲБАТ

Dialog I, II

“haben, sein” im Präsens — “haben, sein” ҳозирги замони — Wiederholung

Zahlwörter — Сонлар

Wie spät ist es? — Соат неча бўлди?

Perfekt — феълнинг ўтган замон шакли

“Morgenstunde hat Gold im Munde” — «Эрта турганга оллоҳ беради»

Übung 1,2,3

DIALOG I

Der Gruppenleiter der deutschen Touristen ruft die Familie Saidows in Samarkand an.

Немис туристлар гуруҳининг раҳбари Самарқандга Саидовлар оиласига кўнғироқ қилапти.

Peter: Herr Saidow, sind Sie am Telefon? Guten Morgen! Ist es nicht zu früh? Ich höre Sie gut, in Deutschland ist es 6 Uhr.

Жаноб Саидов, телефонда Сизмисиз? Салом! Эрта телефон қилмаяпманми? Мен Сизни яхши эшитяпман, Олмонияда соат олти.

Saidow: In Samarkand ist es 10 Uhr. Aber “Morgenstunde hat Gold im Munde”. Alle sind an die Arbeit gefahren.

Die Kinder sind in den Kindergarten gegangen. Ich bin allein zu Hause.

Самарқандда соат ўн. Аммо “Эрта турганга оллоҳ беради”. Ҳамма ишга кетди. Болалар боғчага кетишди. Мен уйда ёлғизман.

Peter: Wir sind glücklich nach Frankfurt am Main geflogen. Uns haben die Eltern getroffen. Jetzt studieren wir wieder an der Uni und schreiben einen Artikel über Usbekistan.

Биз эсон омон Франкфуртга учиб келдик. Бизни ота-оналаримиз кутиб олишди. Ҳозир биз яна университетда ўқияпмиз ва Ўзбекистон ҳақида мақола ёзаяпмиз.

Saidow: Es freut uns sehr, in welcher Zeitschrift können wir Ihren Artikel lesen?

Бу бизни жуда қувонтиради, Сизнинг мақолангизни қайси журналда ўқишимиз мумкин?

Peter: Ganz genau kann ich noch nicht sagen, aber vielleicht in der Zeitschrift “Deutschland” Wir schicken Ihnen diese Zeitschrift am 20. oder 25. März.

Аниқ айтолмайман, эҳтимол «Олмония» журналининг 2-сонида. Биз Сизга бу журнални йигирманчи ёки йигирма бешинчи мартда юборамиз.

Saidow: Danke schön, mein Sohn Akbar ist in die Schweiz geflogen. Dort arbeitet sein Freund Anwar drei Jahre in einer Zusammenfirma. Sie liefert nach Usbekistan verschiedene Uhren.

Катта раҳмат, менинг ўғлим Акбар Швейцарияга учиб кетди. У ерда Анвар исмли ўртоғи 2 йилдан бери қўшма фирмада ишлайди. Улар Ўзбекистонга турли хил соатлар юборади.

Peter: Und wann kehrt er nach Hause zurück? Im April oder im Mai?

У қачон уйга қайтади, апрелдами ёки майдами?

Saidow: Er hat gesagt — Ende Mai. Das nächste Mal telefoniere ich. Wir lesen im März Ihren Artikel und ich rufe Sie an. Auf Wiederhören, Peter!

Унинг айтишича — майнинг охирида. Келаси сафар мен телефон қиламан. Биз Сизнинг мақо-

лангизни мартда ўқиймиз ва мен Сизга қўнғироқ қиламан. Хайр!
Peter: Auf Wiederhören Herr Saidow! Хайр жаноб Саидов!

Қуйидаги ибораларни эсда тутинг!

1. Kann ich Herrn (Saidow) sprechen? — Мен жаноб Саидов билан гаплаша оламанми?
2. Ich rufe Sie an. — Мен Сизга қўнғироқ қиламан.
3. Ich habe Sie schon angerufen. — Мен Сизга аллақачон қўнғироқ қилдим.
4. Danke schön. — Катта раҳмат.
5. Danke, gleichfalls. — Раҳмат, сизга ҳам.
6. Der Telefonapparat ist kaputt. — Телефон аппарати бузуқ.
7. Ich möchte nach Frankfurt/am Main/ telefonieren. — Мен Франкфуртга телефон қилишни хоҳлар эдим.
8. Die Telefonnummer ist falsch, Sie haben sich verwählt. — Телефон рақами нотўғри, Сиз уни нотўғри тердингиз.

Wochentage, Monate, Jahre

Ҳафта кунлари, ойлар, йиллар

Morgen (m) — эрталаб	Montag (m) — душанба
Vormittag (m) — тушгача	Dienstag (m) — сешанба
Mittag (m) — туш	Mittwoch (m) — чоршанба
Nachmittag (m) — тушдан сўнг	Donnerstag (m) — пайшанба
Abend (m) — кечқурун	Freitag (m) — жума
Nacht (f) — тун	Samstag = Sonnabend (m) — шанба
heute — бугун	Sonntag (m) — якшанба
gestern — кеча	Woche (f) — ҳафта
vorgestern — ўтган куни	Monat (m) — ой
morgen — эртага	Jahr (n) — йил
übermorgen — индинга	

Ҳамма ойлар мужской родда:

Januar /m/ — январ	März — март
Februar /m/ — феврал	April — апрел

Mai /m/ — май
Juni /m/ — июн
Juli /m/ — июл
August /m/ — август
September /m/ — сентябр
Oktober /m/ — октябр
November /m/ — ноябр
Dezember /m/ — декабр

im Januar — январда
in der Nacht — кечаси
am Morgen — эрталаб
am Tage — кундузи
am Abend — кечқурун
Sommer (m) — ёз
Herbst (m) — куз
Winter (m) — қиш
Frühling (m) — баҳор

z.B. = Масалан

Im Januar haben die Studenten Winterferien. — Январда талабаларда қишги татил бор.
Am Morgen frühstücke ich. — Эрталаб мен нонушта қиламан.
In der Nacht schlafen alle Kinder. — Ҳамма болалар кечаси ухлайдилар.
Am Freitag haben wir Deutschunterricht. — Жума куни бизда немис тили дарси бор.

Zahlwörter

Немис тилида гапирганда биринчи ўринда birlikлар, сўнгра ўнликлар айтилади.

Агар рақамлар юзликлар билан бўлса, унда юзликлар биринчи, сўнгра birlikлар ва ўнликлар айтилади. Агар рақамлар мингликлар билан бўлса, унда олдинга мингликлар, сўнгра юзликлар, сўнг birlikлар ва ўнликлар айтилади.

1 — eins — бир	8 — acht — саккиз
2 — zwei — икки	9 — neun — тўққиз
3 — drei — уч	10 — zehn — ўн
4 — vier — тўрт	11 — elf — ўн бир
5 — fünf — беш	12 — zwölf — ўн икки
6 — sechs — олти	13 — dreizehn — ўн уч
7 — sieben — етти	14 — vierzehn — ўн тўрт

15 - fünfzehn - ўн беш	30 - dreißig — ўттиз
16 - sechzehn - ўн олти	40 - vierzig — қирқ
17 - siebzehn — ўн етти	50 - fünfzig — эллик
18 - achtzehn — ўн саккиз	60 - sechzig — олтмиш
19 - neunzehn — ўн тўққиз	70 - siebzig — етмиш
20 - zwanzig - йигирма	80 - achtzig — саксон
21 - einundzwanzig - йигирма бир	90 - neunzig — тўқсон
26 - sechszwanzig - йигирма олти	100 - hundert oder einhundert - юз
27 - siebenundzwanzig - йигирма етти	200 - zweihundert - икки юз
	300 — dreihundert - уч юз

1 000 — **tausend oder eintausend** — минг
 2 000 — **zweitausend** — икки минг
 3 000 — **dreitausend** — уч минг
 1 000 000 — **die Million oder eine Million** — миллион

z.B. = Масалан

37 — **siebenunddreißig** — ўттиз етти
 146 — **hundertsechszwanzig** — бир юз қирқ олти
 1 829 — **eintausendachthundertneunundzwanzig** — бир
минг саккиз юз йигирма тўққиз
 917 402 — **neunhundertsiebzehntausendvierhundertzwei** —
тўққиз юз ўн етти минг тўрт юз икки
 1 412 356 — **eine Million vierhundertzwölftausenddreihun-**
dertsechszwanzig — бир миллион тўрт юз ўн
икки минг уч юз эллик олти

Агар гап йиллар ҳақида кетса, унда у (1991) немис
тилида қуйидагича айтилади: ўн тўққиз юз, бир ва тўқсон

1991 — **neunzehnhunderteinundneunzig** — бир минг тўққиз
юз тўқсон бир
1812 — **achtzehnhundertzwölf** — бир минг саккиз юз ўн икки

2001 — **zweitausendeins** — икки минг бир

Агар гап бирон бир бўлиб ўтган воқеа ҳақида бўлса, унда
қуйидагича ёзилади:

Am 8. Dezember 1992 wurde die Neue Verfassung der
Republik Usbekistan angenommen. — 1992 йил 8 декабрда
Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси
қабул қилинди.

Агар Сиз хат ёзиб, сана қўймоқчи бўлсангиз, унда
шундай ёзилади:

am 21. Dezember 2005, (-sten) / in Zahlen: 21.12.2005 /
— 21 декабр, 2005 йилда (нуқта
(-sten) — (-инчи) қўшимчасини
англатади) / сонда: 21.12.2005

oder:
den 21. Dezember 2005 / in Zahlen: 21.12.2005 / —
21 декабр, 2005 йил /
сонда: 21.12.2005

Тартиб сонларни яшаш учун саноқ сонларга 20 гача
(-te), 20 дан бошлаб (-ste) қўшимчасини қўшамиз. Бу
қўшимчалар ёзувда нуқта билан белгиланади.

z.B = Масалан

vierte — тўртинчи **fünfte** — бешинчи
zwanzigste — йигирманчи **dreißigste** — ўттизинчи

Қоидадан мустасно: **erste** — биринчи, **dritte** — учинчи

Агар от олдида тартиб сон келса, унда сон олдида аниқ
артикуль қўйилади.

zum Beispiel: Der erste Frühlingsmonat ist der März. Die 21.

Gruppe ist im Labor.

Масалан: Баҳорнинг биринчи ойи мартдир. 21 инчи гуруҳ
лабораторияда.

Einige Beispiele:

1. Am 1. (ersten) September feiert Usbekistan den Tag seiner Unabhängigkeit. - 1 сентябрда Ўзбекистон Мустақиллик кунини нишонлайди.
2. Mein Vater hat am vierundzwanzigsten August seinen fünfzigsten Geburtstag. - Менинг отам йигирма тўртинчи августда элик ёшга қиради.
3. Mein Bruder kommt am sechsundzwanzigsten März um einundzwanzig Uhr mit dem Flugzeug in Taschkent an. - Менинг акам йигирма олтинчи март соат 21.00 да Тошкентга учиб келади.

Perfekt ning yasaliши

Perfekt — ўтган замон қўшма феъли бўлиб, **haben** ёки **sein** кўмакчи феълининг **Präsens** шаклидан ва мустақил феълнинг **Partizip II** шаклидан ясалди. **Perfekt** даги гаплар тусланганда **haben** ва **sein** феъли ўзгариб, **Partizip II** эса ўзгармай, гапнинг охирида келади.

Partizip II ning yasaliши

Кучли феълларнинг **Partizip II** шаклини яшаш учун феъл негизи олдида (**ge-**) префисси ва охирида (**-en**) суффикси қўшилади.

Кучсиз феълларнинг **Partizip II** шаклини яшаш учун феъл негизи олдида (**ge-**) префисси ва охирида (**-t**) суффикси қўшилади.

Масалан:

lesen — gelesen
kommen — gekommen
gehen — gegangen
machen — gemacht
helfen — geholfen

Ich **habe** den Text **gelesen**.
Sie **ist** ins Institut **gekommen**.
Ich **bin** nach Hause **gegangen**.
Ich **habe** diese Übung **gemacht**.
Ich **habe** der Mutter **geholfen**.

Haben ва **sein** кўмакчи феълларининг **Perfekt** да қўлланиши

Қуйидаги феъллар **Perfekt** да **haben** кўмакчи феъли билан тусланади.

1. Ўтимли феълларнинг ҳаммаси: Er hat ein Buch gekauft. Wir haben die Aufgabe gemacht.
2. Ўзлик феълларнинг ҳаммаси: Die Studenten haben sich im Saal versammelt. Ich habe mich gewaschen.
3. Шахссиз феъллар: Es hat geregnet

Қуйидаги феъллар **Perfekt** да **sein** кўмакчи феъли билан тусланади.

1. Иш-ҳаракатнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ифодаладиган ўтимсиз феъллар: Er ist nach Samarkand gefahren. Sie sind noch nicht gekommen. Ich bin um 23 Uhr eingeschlafen.
2. bleiben, sein, werden феъллари: Er ist im Institut geblieben. Lola ist in Samarkand gewesen. Karim ist Arzt geworden.

Perfekt = haben oder sein (im Präsens) + Partizip II

Феълларнинг **Perfekt** да тусланиши

Infinitiv	
fragen — сўрамоқ	kommen — келмоқ
Perfekt	
ich habe gefragt — мен сўрадим	ich bin gekommen — мен келдим
du hast gefragt — сен сўрадинг	du bist gekommen — сен келдинг
er hat gefragt — у сўради	er ist gekommen — у келди
wir haben gefragt — биз сўрадик	wir sind gekommen — биз келдик
ihr habt gefragt — сизлар сўрадингизлар	ihr seid gekommen — сизлар келдингизлар
sie haben gefragt — улар сўрадилар	sie sind gekommen — улар келдилар

DIALOG II

Herr Saidow sitzt am Telefon und telefoniert nach Deutschland.

Жаноб Саидов телефон олдида ўтириб, Олмонияга кўнғироқ қияпти.

Saidow: Guten Tag! Entschuldigen Sie bitte, kann ich Peter sprechen? Am Telefon ist Saidow aus Samarkand.

Салом! Кечирасиз, Петер билан гаплашсам мумкинми? Самарқанддан Саидов телефон қияпти.

Monika: Guten Tag! Ich bin Peters Mutter. Peter ist zu Hause. Moment, er kommt.

Салом! Мен Петернинг онасиман. Петер уйда. Бир дақиқа сабр қилинг, у келяпти.

Peter: Herr Saidow, guten Tag, gestern habe ich Sie angerufen, aber Sie sind nicht zu Hause gewesen. Haben Sie die Zeitschrift "Deutschland" bekommen? Dort ist unser Artikel über Usbekistan.

Салом жаноб Саидов! Кеча мен Сизга кўнғироқ қилган эдим, лекин Сиз уйда йўқ экансиз. Сиз «Олмония» журналини олдингизми? Унда бизнинг Ўзбекистон ҳақида мақоламиз бор.

Saidow: Ja, wir haben diese Zeitschrift bekommen, vielen Dank! Ihren Artikel haben wir gern zu Hause gelesen. Samarkand ist wirklich eine sehr schöne Stadt. Sie ist über 2500 Jahre alt. Wissen Sie das?

Ҳа, биз бу журнални олдиқ, раҳмат. Биз Сизнинг мақолангизни уйда бажонидил ўқиб чикдик. Самарқанд ҳақиқатдан ҳам чиройли шаҳар. Унга 2500 йилдан ҳам кўп бўлди. Сиз буни биласизми?

Peter: Schade, erst jetzt habe ich das erfahren. Aber die Denkmäler mittelalterlicher Baukunst haben auf uns einen tiefen Eindruck gemacht, besonders — "Gur Emir". Und die Fotos in Ihrem Hof sind auch schön, nicht wahr? Афсуски, мен бу ҳақида энди эшитдим. Аммо ўрта аср обидалари бизда чуқур таассурот қолдирди, айниқса Гўр-Амир. Ҳовлингизда олинган фото суратлар ҳам чиройли, шундай эмасми?

Saidow: Ja, diese 19 Fotos sind jetzt in unserem Familienalbum. Aber wie geht es Ihnen, Peter? Was sagt Ihre Mutter? Ҳа, бу 19 та сурат бизнинг оилавий албомимиздан жой олди. Ўзингизнинг аҳволингиз қандай, Петер? Онангиз нима деяптилар?

Peter: Meine Mutter ist sehr zufrieden. 1989 hat sie mit einer Touristengruppe Kasachstan und Usbekistan besucht. Aber in Usbekistan ist diese Gruppe nur fünf Tage in Taschkent geblieben. Sie möchte Samarkand auch besuchen.

Менинг онам жуда мамнунлар. 1989 йилда улар туристлар гуруҳи билан Қозоғистон ва Ўзбекистонга борган эдилар. Лекин бу гуруҳ Ўзбекистонда фақат Тошкентда 5 кунгина бўлган. Улар Самарқандни ҳам кўрмоқчи эдилар.

Saidow: Das ist prima! Wir treffen Ihre Mutter und meine Kinder zeigen ihr alle Sehenswürdigkeiten unserer Stadt. Kommen Sie alle!

Жуда яхши. Биз Сизнинг онангизни кутиб оламиз. Менинг болаларим уларга шаҳримизнинг ҳамма обидаларини кўрсатадилар. Ҳаммангиз келинлар!

Peter: Danke schön. Vielleicht besuchen wir alle in zwei Jahren Ihre gastfreundliche Familie noch einmal. Auf Wiederhören! Раҳмат. Эҳтимол биз сизнинг меҳмондўст оилангизга икки йилдан сўнг борамиз. Кўришгунча хайр!

Saidow: Auf Wiederhören!
Хайр!

Übung 1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Um wieviel sind Sie gestern ins Institut gegangen?
2. Wann sind Sie geboren?
3. Um wieviel frühstücken Sie täglich?
4. Ist Ihre Schwester 21 Jahre alt?
5. Wo hat Ihre Familie früher gewohnt?
6. Sind Ihre Geschwister in Chiva geblieben?
7. Wann ist Amir Temur gestorben?
8. Haben Sie gestern auf mich gewartet?
9. Hat dein Vater dieses schwere Problem gelöst?
10. Hat Ihre Gruppe auch dieselbe Kontrollarbeit in der Mathe gehabt?

Übung 2 Керакли кўмакчи феълни қўйинг: “haben” ёки “sein”

1. Heute ... er eine Ausstellung besucht.
2. Ich ... eine Frage gestellt.
3. Anwar ... die Theaterkarten nicht gekauft.
4. Wer ... das Fenster aufgemacht?
5. Lola ... dieses Buch noch nicht gelesen.
6. Wo ... du gestern gewesen?
7. Wie spät ... es?
8. Ich ... einige Werke von Nawoi gekauft.
9. Mein Kind ... zehn Stunden geschlafen.
10. Vorgestern ... ich um 24 Uhr eingeschlafen.

Übung 3 Кўйидаги сана ва сонларни немисча ёзинг:

1. 1764 йил апрелда, сешанбада.
2. 1566 йил февралда, душанбада.
3. 2 487
4. 141 ва 57
5. У 1979 йил 30 майда туғилди.
6. Менинг бувам 1924 йил 13 июлда вафот этди.
7. 11 ва 77
8. 2 786 439
9. Биз ҳар йили наврўзни 21 мартда нишонлаймиз.
10. Бизникига индинга соат 19.00 да келинг.

LEKTION 5

AUF DEM BAHNHOF — ВОКЗАЛДА

Dialog I, II

Futurum I — келаси замон

Werden — бўлмоқ

Fragesätze (Wiederholung) — Сўроқ гаплар

“**Mit Geduld und Zeit kommt man allmählich weit**” —
«Сабр қилсанг гўрадан ҳалво битар»

Übungen 1,2,3

DIALOG I

Im Flughafen — Аэропортда

Deutsche Wissenschaftler warten im Flughafen auf eine Gruppe der Wissenschaftler aus Usbekistan.
Немис олимлари аэропортда Ўзбекистондан бир гуруҳ олимларни кутишяпти.

- Herr Dilling: Was meldet man per Radio?
Радио орқали нима хабар беришяпти?
- Herr Starke: Das Flugzeug aus Taschkent wird in 3 Minuten landen.
Тошкентдан келаётган самолёт 3 минутдан сўнг қўнади.
- Herr Dilling: Sehr gut, bald können wir unsere Kollegen aus Usbekistan treffen.
Жуда яхши, яқин орада биз ҳамкасбларимиз-

ни кутиб олишимиз мумкин.

Herr Starke: Vergessen Sie bitte nicht und sagen Sie den usbekischen Kollegen: der Schnellzug nach Karlsruhe wird in 20 Minuten abfahren. Эсингиздан чиқмасин ва ўзбек ҳамкасбларингизга айтинг: тез юрар поезд Карлсруега 20 минутдан сўнг жўнайди.

Herr Dilling: Regen Sie sich nicht auf. Ich habe für alle Fahrpläne. Ich werde alles verteilen. Ташвишланманг. Менда ҳамма учун поездлар қатнови жадвали бор. Мен ҳаммасини тақсимлайман.

Herr Starke: Ja, gut, alle Gäste sprechen gut deutsch. Ҳа, яхши, ҳамма меҳмонлар немисча яхши гапирдилар.

Herr Dilling: Sind Sie überzeugt? Ишончингиз комилми?

Herr Starke: Ja, sicher! Im Programm der Konferenz steht: alle werden ihre Vorträge deutsch halten. Ҳа, албатда! Конференция программасида турибди: ҳамма ўзининг маърузасини немис тилида қилишади.

Herr Dilling: Sehr gut! Da gehen Sie. Жуда яхши! Қани юринг.

Herr Starke: Wir freuen uns Sie zu begrüßen. Сизлар билан сўрашаётганимиздан хурсандмиз.

Herr Kajumow: Danke schön, gleichfalls. Alles ist in Ordnung, das sind meine Kollegen: Dr. Ismatow und Dr. Schadjew.

Катта раҳмат, биз ҳам. Ҳаммаси жойда, булар менинг ҳамкасбларим: док. Исмаатов ва док. Шадиёвлар.

Herr Dilling: Sehr angenehm, da ist Dr. Starke und mein Name — Dr. Dilling. Haben Sie das Gepäck mit? Жуда яхши, бу ерда док. Штарке ва менинг фамилиям — док. Диллинг. Юкларингиз борми?

Herr Kajumow: Ja, nur Handgepäck. Ҳа, фақат қўл юки.

Herr Starke: Gut, dann gehen wir auf den Bahnhof,

der Bahnhof ist unten, 5 Minuten zu Fuß. Ihre Fahrscheine wird Ihnen Herr Dilling einhändigen. Яхши, энди биз вокзалга борамиз, вокзал пастда, 5 минут пиёзда юриш керак. Билетларингизни жаноб Диллинг қўлларингизга топширади.

Herr Kajumow: Danke schön, dann gehen wir! Катта раҳмат, бўлмаса кетдик!

SCHILDER AUF DEM BAHNHOF

Bahnsteig A перрон	Nach den Bahnsteigen 1,2 1,2 — перронлардан
-----------------------	--

Fernzüge in Richtung Osten шарққа узоқ йўналишли поездлар	Ausgang zur Stadt шаҳарга чиқиш
--	------------------------------------

Übergang zur S-Bahn und zu anderen Fernbahnsteigen
шаҳар темир йўли ва бошқа узоқ йўналишли перронларга ўтиш

Fernfahrkarten nach allen Richtungen

ҳамма узоқ йўналишли поездларга чипталар

Platzkarten und Bettkarten

плацкарт ва купеларга чипталар

Auskunft маълумот	Wartesaal кутиш зали	Fahrpläne поездлар қатнов жадвали
----------------------	-------------------------	--------------------------------------

Gepäckaufbewahrung юк сақлаш жойи	Ausgabe қайтариб бериш	Annahme қабул қилиш
--------------------------------------	---------------------------	------------------------

SCHILDER AUF DEM BAHNSTEIG

Gleis 3 Stuttgart D-Zug ICE, Abfahrt 13.23 Uhr	Gleis 2 Augsburg über Ulm Schnell-Zug RB, Abfahrt 6.00 Uhr
--	--

Диалогни диққат билан бир неча марта ўқинг, бу ерда кўп янги сўзлар, ҳамда олдинги дарснинг сўзлари ҳам бор. Сиз уларни эслаб қолдингизми? Ўзингиз кичкина бир диалог туза оласизми? Ҳаракат қилиб кўринг!

Fragesätze — сўроқ гаплар

Сўроқ сўзли сўроқ гапларда биринчи ўринда доим сўроқ сўз туради, иккинчи ўринда эса — доим феъл.

z.B. = Масалан

1 2

Woher kommen Sie? — Сиз қаердан келдингиз?

1 2

Wohin fahren Sie? — Сиз қаерга боряпсиз?

1 2

Wo steht der Zug? — Поезд қаерда турибди?

1 2

Wie heißt der Zug? — Поезд қандай аталади?

1 2

Wozu fahren Sie nach Stuttgart? — Штутгартга нима учун боряпсиз?

1 2

Wer wird Ihnen die Fahrscheine einhändigen? — Сизнинг кўлингизга чиптангизни ким топширади?

1 2

Was bekommen die Fahrgäste auf dem Bahnsteig? — Йуловчилар перронда нима оладилар?

Ўз вақтида сиз буларни яхши ўрганиб оласиз. Немислар айтадилар: **“Mit Geduld und Zeit kommt man allmählich weit”**

Futurum I нинг ясалиши

Сиз **“werden”** кўмакчи феълнинг Präsens да тусланишини биласиз. Шунинг учун сиз **Futurum I** нинг ясалишини осон ўрганиб оласиз.

Futurum I = келаси замон бўлиб, у **“werden”** кўмакчи феълнинг ҳозирги замон шакли ва асосий феълнинг ноаниқ шаклидан ясалади.

Futurum I = “werden” im Präsens + Infinitiv des Sinnverbs

z.B. = Масалан

Wir **werden** nach Stuttgart **fahren**.

Биз Штутгартга борамиз.

Herr Dr. Kajumow **wird** dort nur deutsch **sprechen**.

У ерда жаноб док. Қажумов фақат немисча гапиради.

Die Wissenschaftler **werden** ab morgen **an** der Konferenz **teilnehmen**.

Олимлар эртадан бошлаб конференцияда қатнашадилар.

In Stuttgart **wird** auf usbekische Wissenschaftler Herr Dr.

Rektor der Universität Kuna **warten**.

Штутгартда ўзбек олимларини университет ректори жаноб доктор Куна кутади.

DIALOG II

Auf dem Bahnhof — Вокзалда

Herr Starke: Wir sind auf dem Hauptbahnhof der Stadt Frankfurt / am Main/. 12.54 wird unser Schnellzug ankommen.

Биз Франкфурт (Майндаги) шаҳрининг бош вокзалидамиз. Соат 12.54 да бизнинг поездимиз келади.

Herr Kajumow: Und wann wird unser Zug abfahren? Бизнинг поезд қачон жўнайди?

Herr Dilling: In 8 Minuten fährt er ab. Da ist schon der Zug. Liebe Gäste, steigen wir in diesen Wagen ein! Um 14 Uhr werden wir in Karlsruhe umsteigen. Fast eine Stunde wird der Zug bis Karlsruhe fahren.

У 8 минутдан сўнг жўнайди. Мана поезд ҳам шу ерда. Ҳурматли меҳмонлар, биз бу вагонга чиқамиз. Биз соат 14.00 да Карлсруеда бўламиз. Поезд Карлсруегача деярли бир соат юради.

Herr Starke: Das Wetter ist schön. Und Sie können die Umgegend bewundern.

Об-ҳаво яхши. Сиз аτροφни тамоша қилишингиз мумкин.

Herr Kajumow: Und wieviel Minuten wird der Zug in Karlsruhe stehen?

Поезд Карлсруеда неча минут туради?

Herr Dilling: In Karlsruhe steht er 5 Minuten. Die Zeit ist genug!

У Карлсруеда 5 минут туради. Вақт етарли!

Herr Kajumow: Und wann wird der Zug in Stuttgart ankommen?

Поезд Штутгартга қачон келади?

Herr Starke: Um 15.20 werden wir auf dem Hauptbahnhof Stuttgarts sein

Соат 15.20 да биз Штутгарт вокзалида бўламиз.

Herr Kajumow: Danke schön. Jetzt sind wir alle ganz ruhig und werden wirklich die schöne Umgegend bewundern.

Катта раҳмат. Энди биз ҳаммамиз тинчландик ва аτροφни тамоша қиламиз.

Herr Dilling: Da kommt der Kontrolleur, bitte, zeigen Sie Ihre Fahrscheine!

Текширувчи келяпти, марҳамат, чипталарингизни кўрсатинг!

Kontrolleur: Ihre Fahrscheine, Herren!

Жаноблар, сизларнинг чипталарингиз!

Herr Dilling: Da sind unsere Fahrscheine.

Мана бизнинг чипталаримиз.

Kontrolleur: Danke schön, viel Spaß!

Катта раҳмат, яхши қолинг!

Übung 1 Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Wohin fahren Sie?
2. Wie heißen Sie?
3. Woher kommt Ihr Kollege?
4. Was macht dieser Wissenschaftler in Stuttgart?
5. Wann kommt der Zug RB nach Karlsruhe?
6. Wo steigt Ihr Freund um?
7. Wer kontrolliert die Fahrscheine?
8. Wieviel Minuten steht der Zug ICE in Ulm?

9. Hat Ihr Leiter den Fahrplan mit?

10. Wann werden die Wissenschaftler nach Usbekistan fliegen?

Übung 2 Берилган сўзлардан гаплар тузинг:

1. Werden, wie viel Stunden, bleiben, sie, hier?
2. Werden, wo, sie, umsteigen?
3. Der Schnellzug bis Stuttgart, von hier, zwei Stunden, wird, fahren.
4. Auf dem Bahnhof, verschiedene Schilder, es gibt.
5. Hier, Fernfahrkarten, verkauft, nach allen Richtungen, man.
6. Befindet sich, wo, Gleis 3, nach Ulm?
7. Viele Fahrgäste, auf dem Bahnsteig, stehen?
8. Werden, Ihr Gepäck, Sie, in Gepäckaufbewahrung, abgeben?
9. Der Übergang zur S-Bahn, und zu anderen Fernbahnsteigen, wo, ist?
10. Wann, die Ausgabe, arbeiten, und, die Annahme?

Übung 3 Қуйидаги гапларни немис тилига таржима қилинг:

1. Юк сақлайдиган жой қачон ишлайди?
2. Фарғонага борадиган тез юрар поездга чиптани қардан сотиб олиш мумкин?
3. Тошкент-Москва поезде қайси йўлда турибди?
4. Мен Штутгартгача чипта сотиб олишни хоҳлар эдим.
5. Сизнинг чиптангизнинг баҳоси 125 ДМ бўлади.
6. Сизнинг поездингиз Улмда 5 минут туради.
7. Тошкент-Франкфурт /Майнда/ самолёти соат 6.10 да учади.
8. Самолётда йўловчилар нонушта ва тушлик олишадилар.
9. Мен Франкфурт /Майнда/ га «Хаво йуллари» фирмасининг самолётида учаман.
10. Лейпциг орқали Ерфуртга 52-тез юрар поезд соат 6.00 да жўнайди.

Сиз 5 та дарсни ўрганиб чиқдингиз. Балки энди биров немисча гапира оларсиз. Дафтарингиздаги ҳамма янги сўзларни такрорланг. Кўп нарсани эслаб қолган бўлсангиз жуда яхши.

Sie sind doch Spitze! Tüchtig!

Олмонияликлар яна: "Mit Geduld und Zeit kommt man allmählich weit" — Сабр қилсанг гўрадан ҳалво битар» — дейдилар.

LEKTION 6

IM HOTEL — МЕҲМОНХОНАДА

Dialog I, II

Imperativ — Буйруқ майли

Präsens, Perfekt, Futurum I (Wiederholung) — Ҳозирги, мураккаб ўтган ва келаси замон (такрорлаш)

"Eile mit Weile" — «Қимирлаган қир ошар»

Übungen 1,2,3

Dialog I

Ein Ehepaar aus München ist in Samarkand gekommen und möchte im Hotel übernachten. - Эр-хотин Самарқандга келди ва меҳмонхонада тунамоқчи бўлди.

Herr Klein: Guten Abend! Wir haben in Ihrem Hotel ein Zimmer bestellt.

Салом! Биз Сизнинг меҳмонхонангиздан хона буюртган эдик.

Administrator: Wie heißen Sie? Und wann haben Sie ein Zimmer bestellt?

Исм-шарифингиз нима? Сиз қачон хона буюртгансиз?

Herr Klein: Ich heiße Otto Klein, ich bin mit meiner Frau Ella Klein. Wir haben vor 10 Tagen aus München telefoniert.

Менинг исм-шарифим Отто Клайн, мен хотиним Элла Клайн билан. Биз 10 кун олдин Мюнхендан кўнғироқ қилган эдик.

